



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 28 ноябрь, № 232 (4642)

Жума

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН АВТОМОБИЛЛАР Сони БИР МИЛЛИОНДАН ОШДИ

Асака автомобиль заводи конвейеридан миллионинчи автомобиль чиқди

Марказий Осиёда илк мартаба Асака автомобиль заводидан энгил автомобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида автомобиль саноатига асос солинди. Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ миллий автомобиль саноатини шакллантириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.



"Damas", "Tico", "Nexia" автомобиллари Ўзбекистон автомобил саноатининг дастлабки қадригирчолари бўлди. Сўнгра "Matiz", "Lacetti" автомобиллари, "Damas", "Nexia"нинг янгиланган моделлари ўзлаштирилди. 12 йил ичида завод жамоаси ёрқин ва самарали йўлни босиб ўтди ва бугунги маррага эришди.

Заводдан чиққан миллионинчи автомобиль "Chevrolet Lacetti" бўлди. Корхонада ушбу автомобилни ишлаб чиқариш 2003 йили йўлга қўйилди. Утган йили "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан "General Motors" корпорацияси "GM Uzbekistan" қўшма корхонасини тузиш тўғрисида битим имзолагач, GM туркумидаги янги моделларни ишлаб чиқариш унун имкониятлар янада кенгайди. "Chevrolet Lacetti" автомобилни саноат йўли билан ишлаб чиқариш тўғрисида имзоланган битим автомобилни йирик блокчи йиғишдан тўлиқ қўлмали ишлаб чиқаришга ўтиш сари йўл очди.

"Lacetti" автомобилни ишлаб чиқариш унун махсус кузов панелларини штампллаш йўлга қўйилди, пайвандалаш участкаси очилди, йиғув конвейери реконструкция қилинди. "Chevrolet Lacetti" юқори техник имкониятлари, замонавий дизайни, юқори сифати билан ажралиб туради.

Бугунги кунга келиб, корхонада автомобилнинг турли истеъмолчилар дидига мос келадиган етти хил модели ишлаб чиқаришмоқда.

Заводда ўтган йили 170 минг донга, 2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса 140 мингта яқин автомобиль ишлаб чиқарилиди.

Бугун заводда юқори малакали ишчи, муҳандис, лойиҳачи, иқтисодчи, курувчи, монтажчи, соловчи, йиғувчилардан иборат 5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти етакчи хорижий автомобилсозлик компанияларида малака оширган ва мураккаб замонавий технологияларни ўзлаштирган.

Миллионинчи автомобилнинг конвейердан чиқишига бағишланган тақдиримизда "GM Uzbekistan" қўшма корхонасининг бош директори Шухрат Юсупов заводнинг нуфузли компаниялар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилишига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегияси жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардор махсуслотларни тайёрлашга йўналтирилганини таъкидлади.

"GM Europe" компаниясининг бошқарувчи директори Жеральд Жонсоннинг қайд этишича, Асака заводидан янги автомобиль моделининг ишлаб чиқарилаётгани махсуслот турини кўпайтириш, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, махсуслотнинг сифатини муттасыл яхшилаб бориш, замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилган "GM Uzbekistan" амал қилаётган йўлнинг мантқий давомидир.

"Chevrolet" — "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" маркасидаги унга автомобиль модели ишлаб чиқарилаётган Асака заводи махсуслотлари сафига энди "Chevrolet Lacetti" ҳам қўшилди. Яқин йиллар ичида "Chevrolet" туркумидаги бошқа моделларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса йилига 250 минг донгача автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга завод имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.
Х. АРАББОВЕВ, Ш. ОЛИМОВ
олган суратлар.



Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан



БАФРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Маълумки, "Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга тақдим этилди.

Мазкур Қонуннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган кунларга тўғри келишида ўзига хос маъно бор. Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини мустақамлаш ва ҳимоялаш борасида Президентимиз раҳнамолигида улкан ишлар амалга оширилди, тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жумладан, 2008 йилдан Ўзбекистонда ўлим жаозаси бекор қилинди, шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Маълумки, амнистия акти ҳам фуқаролик жамияти сари одимлаётган юртимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият эканлигини кўрсатувчи муҳим ҳужжатдир. Бу ҳужжат минглаб оилалар бағрини қувончга тўлдирди, биллиб-билмай жиноят йўлига кирган, кейин қилмишларига пушаймон бўлиб, тўғри йўлга, эзгуликка, яхшиликка интилиб яшашни ният қилган инсонларни оила аъзолари бағрига қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан Президентимиз тақдиримизга маънавий муносабатларни ривожлантириш истиқболлари хусусида атрофлича маълумот берилди. Нефть-газ, қишлоқ ҳўжалиги, кимё саноати, чорвачилик, куришли моллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, тўқима-

чилик саноати ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига айланиши мумкинлиги қайд этилди. Бундан ташқари, Франция капитални Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига фаол жалб этиш икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан аёлларнинг иш билан бандлиги ва мавжуд меҳнат бозорига бағишланган халқаро семинар ташкил этилди.

АЁЛЛАР МЕХНАТИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, Россия, Озарбойжон, Тожикистон каби давлатларнинг касаба уюмлари вакиллари иштирок этиди.

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази директори Р. Убайдуллаева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик

қизларнинг ўзи қизққан соҳада фаолият олиб бориши, меҳнатнинг қадрланishi, муҳофаза қилиниши ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишида ўзининг ёрқин инфодасини топишмоқда. Айни пайтда аёлларнинг ўз касб, икдодий-интеллектуал салоҳиятини тўла намойиш этиши учун барча имконият ва шароитларнинг яратилгани юртимизда ижтимоий ҳўмон тизимининг мукамал шаклланишидан далолатдир.

Икки кўнлик семинар давомида аёлларнинг меҳнат ҳўқуқи, улар манфаатларини таъминлашда касаба уюмларининг ижтимоий шериқчилиги, хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг янада ривожлантириш унун кредитлар ажратиш, тадбиркорлик, кичик бизнесдаги иштироки каби мавзуларда маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг натижаси ўлароқ, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шартини янада яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик ҳаракатига кенг жалб этиш борасида юртимизда кенг қўламли

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ ВА ДАВРА СУҲБАТИ

Франциянинг Тулуза шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, маданий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз элчионаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Жанубий Пиреней минтақасининг сиёсий, гуманитар ва илмий-академик доиралари вакиллари билан ташкил топган «Ротари клуб» (Rotary Club de Toulouse) ҳамда «Клуб д'Ок» (Cercle d'Ok) ташкилотларининг аъзолари иштирок этиди.

Тулуза шаҳри Савдо-саноат палатасида эса Ўзбекистонга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда минтақанинг ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Финляндия, Италия ва Бельгиянинг фахрий консуллари қатнашди.

Учрашувлар давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, мамлакатимизнинг жорий йил

Биз ва дунё

диёт, сайёҳлик ва маданият соҳаларидаги салоҳияти, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш соҳаларини такомиллаштириш, соғлом ва ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон — Франция муносабатларини ривожлантириш истиқболлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Нефть-газ, қишлоқ ҳўжалиги, кимё саноати, чорвачилик, куришли моллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, тўқима-

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг Меҳнат миграцияси жараёнларида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳўмонини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири — одам савдосида қириш курашиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДА

Замонавий ускуна ва технологияларни арзон нархларда қардан ва қандай харид қилиш мумкин, уларни ким созлаб, ким сервис хизмати кўрсатади? Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш борасида белгиланган вазифалар ижроси доирасида уюштирилган туркум семинарлар иштирокчилари — тадбиркорлар ана шундай саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур семинарлар Ўзбекистон озиқ-овқат саноати учун ускуналар этишга иختисослашган "Техно food Service" масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтказилди. Тошкентда ўтган матбуот ан-

жумани компаниянинг бу йўналишдаги фаолияти натижалари ва келгуси режаларга бағишланди.

"Техно food Service" масъулияти чекланган жамияти директори Д. Қўқоровнинг айтишича, мам-

лакатимизда, асосан, кичик ва хусусий бизнес соҳасида фаолият юритаётган юзга яқин корхона мазкур компания иштирокида махсуслот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва оптималлаштиришга эришган. Компаниянинг хори-

жий ҳамкорлар билан товарларни тўғридан-тўғри етказиб бериш борасида тузган шартномалари тўғрисида мамлакатимиз корхоналари рақобатбардор махсуслотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган, юқори технологияли ва энергияни тежовчи ускуналар билан таъминланади. Булар — тегирмон ускуналари, шунингдек, макарон,

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқда тиббий хизмат такомиллашади

2008 йилнинг 9 ойи мобайнида 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан қишлоқ врачлик пунктлари сони

49 тага кўпайди.

БИР РАҚАМ ШАҲРИ



Бу эса стационар муассасаларнинг самарасиз ўринли фонди ҳаракатларини қисқартириш, уларни марказий туман ва шаҳарлар шифохоналарини мустақамлаш учун тақсимлаш, қишлоқда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш имконини беради.



(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан

БАФРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундан келиб чиққан ҳолда, Жиноят-процессуал кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят иши прокурорга юборилиши, прокурор томонидан амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритилиши, материал ёки ишнинг судда қўрилиши ва қарор қабул қилиниши тартиби белгиланди.

Шунингдек, маъзур кодекс "Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш" деб номланган 63-боб билан тўлдирилди. Унга қўра, терговолди текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов давомида шахсини амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар бўлса, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома судга мурожаат қилиш ҳақидаги тақдимнома билан бирга прокурорга юборилади.

Прокурор материал ёки жиноят ишини ўрганиб, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш учун қонуний асослар бўлган тақдирда, иш унга келиб тушган кундан бошлаб беш суткадан кечиктирмай тегишли илтимосномани қўзғатади ва материални (жиноят ишини) судга юборди. Маъзур илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, худудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда қўриб чиқилади. Суд мажлисида прокурор иштирок этиши шарт.

Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш масаласи қўйилган шахс иштирок этаяётган бўлса, унинг қонуний вакиллари ва жимоячиси ҳам иштирок этади.

Суд мажлиси илтимоснома судга келиб тушган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади. Ушбу мажлисга асосланиб ажрим чиқарилади. Шунингдек, мажлисда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш, прокурорнинг шу ҳақдаги илтимосномасини қанотлантиришни рад

этиш, терговолди текширув ёки дастлабки тергов юритилиши учун жиноят ишини прокурорга юбориш, эҳтиёт чоралари, ашёвий далиллар, фуқаровий даврони таъминлаш чоралари тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади.

Судьянинг ушбу ажримга нисбатан амнистия актини қўллаш масаласи қўйилган шахс, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, жимоячиси томонидан хусусий шикоят берилиши, прокурор томонидан эса хусусий протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга маҳумни амнистия акти асосида асосий ва иккунча қўшимча жазолардан озод қилиш ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш маҳумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан амалга оширилиши ҳақидаги норма киритилди.

Шунингдек, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига қўшимча киритилди. Унга қўра, тегишли асос бўлган тақдирда, жазони иккунча озод қилиш мақсадида ёки органининг маъмурияти маҳумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши лозим. Шу тариқа у Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни билан мувофиқлаштирилди.

"Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тез орада Сенат томонидан маъқуллашди. Ушбу қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг мукамал даражада юзага чиқишини таъминлаши, шубҳасиз.

Собир ЖАББОРОВ, Турсун АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

нон ва қандолат маҳсулотлари, томат пастаси, ўсимлик мойини ишлаб чиқариш, бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, шарбат ва минерал сув қуйиш, полиэтилен идишлар тайёрлаш, ёриқлар ишлаб чиқариш, қадоклаш ва ўрашга мўлжалланган ускуналардир.

Корхоналарнинг изчил ишлаши уларга сифатли сервис хизмати кўрсатиш таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқариш заводаларида амалиёт ўтаган компания мутахассислари зарур шароит яратиш борасида ўхшашли субъектларига нафақат ускуна танлаш ва улардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар беради, уларни нисбатан арзон нархларда етказиб бериш билан бирга, монтаж, ишга тушириш-созлаш, ишчиларни ўқитиш, ишончли сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ҳам бажаради, эҳтиёт қисмларни харид қилишда ёрдамлашади. Барча ҳисоб-китоб миллий валютада амалга оширилади. Жорий йилнинг 9 ойида "Техно food

Service" масъулияти чекланган жамияти ўз мижозларига 250 миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатди. Бундан ташқари, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашади. Республика бўйича, жумладан, чекка ту-

линг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, "Техно food Service" масъулияти чекланган жамияти хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириб, яқинда "Техно Inter finans" лизинг компаниясини таъсис этди. Лизинг олувчилардан қўшимча кафолатлар талаб қилинмайди, майтан қий-матга эга ускунанинг ўзи гаров вазифасини ўтайди. Ускунанинг ликвидлигини таъминлаш учун унинг яхши

иш ҳолатида сақланиши эса сервис хизмати кўрсатувчи компания мутахассисларининг вази-фасига қиради.

Хозирги вақтда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда буюртмачилар учун қўшимча қулайликлар яратиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилмоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг улкан имконият-ларга эга озиқ-овқат са-ноатининг ривожланиши мамлакатимиз корхона-лари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-лар экспорт ҳажмининг янада кенгайишига хиз-мат қилади.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

РАҚОБАТ - ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ


манларда уч юзга яқин ана шундай янги иш ўрни яратилди.

Компания буюртмачилари — 1-Тошкент ун комбинати, "Ohangarondon" очик акциядорлик жамияти, Хонободдаги "Ширин нон" заводи ва бошқа корхоналар "Техно food Service" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида янги ускуна-ларни ўрнатиш билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 28 августда қабул қилинган "Ли-

МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ МАСЪУЛИЯТИ

Аждодларимизнинг юксак меъморчилик маҳорати ва маданиятидан гувоҳлик берувчи тарихий ёдгорликлар бугун миллатимизнинг бебаҳо бойлигига айланди. Мустақиллик йилларида уларни асраб-авайлаш, умрини узайтиришга эътибор ҳар қачонгидан-да ошди.



ни авайлаб асрашга мажбурдир", деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, 2001 йилда Самарқанднинг "Маданиятлар чорраҳаси" номинацияси бўйича ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган эса бу заминда қад ростилаб турган бетакрор обидаларни асраб-авайлаш бутун инсоният олдидаги бурч эканлигини далилдан далолат. Имом Бухорий, Имом Мотуридидий зиёратгоҳлари, Хўжа Хизр масжиди, Шохи Зинда мажмуаси каби ноёб ёдгорликларда олиб борилган таъмирлаш ва тиклаш ишлари уларга қайта ҳаёт бағишлади. Бугун эса бундай маҳобатли обидаларга ошқайтаётган сайёҳлар ва зиёратчиларнинг чеки йўқ.

Тарихий ёдгорликларни тиклаш ишларига комплекс ёндашилиши уларнинг ҳақиқий қийфаларини очиб беришга хизмат қилади. Хусусан, кейинги пайтда объектнинг ўзигина таъмирланиб қолмасдан, унинг ён-атрофидаги биноларга ҳам эътибор берилаяпти. Самарқанд ўзининг истикбол режасига эга бўлган, бундай кўрimsиз иншоотларнинг қанчадан-қанчасидан воз кечилди, обидалар атрофларида майдонлар кенгайтирилиб, уларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундай интилиш аждодларимизнинг шаҳарсозлик санъати бобида нечоғли маҳоратга эришганлигига ҳам ёрқин ишора. Юртбошимиз томонидан мутахассислар олдида ёдгорликларни таъмирлашдан олдин унинг асл ҳолати ҳақида илмий тасаввурга эга бўлиш ва шундан кейингина таъмирлаш ишларини бошлаш вазифасининг қўйилгани билан бирга, нақшларнинг ҳақиқий бирламчи ҳолатининг очилишига сабаб бўлаяпти.

Айни пайтда вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат назорати қўшиқда улғий текшириш лабораторияси фаолият кўрсатишмоқда. Лаборатория ходимлари ўтган йили 23 та маданий мерос объектларини аниқлаб, уларнинг давлат назоратига олиниши таъминладилар. Бу йил яна 30 та объект бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланапти. Шунингдек, мутахассислар ландшафт архитектураси ҳамда шаҳарсозликнинг муҳим қирралари бўлган Самарқанд ховузлари ва ариқлари тизимида оид маълумотларни тўплашапти. Бундан ташқари, умумий манзара яхлитлигини таъминловчи шаҳар мудофаа деворлари ва дарвозаларини тиклаш бўйича излаш ишлари олиб борилаяпти.

Хуллас, Самарқандда маданий мерос объектларини муҳофазаси йилдан-йилга кучайтирилаяпти. Шаҳарнинг 2750 йиллиги муносабати билан кўплаб иншоотлар асл ҳолига қайтиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бундай эзгу ҳаракатлар бундан буён ҳам давом этаверади ва Самарқанд доимо жаҳон нигоҳидаги шаҳар бўлиб қолаверади. Қолаверса, Конституциямиз белгилаб берган бурч ҳисси ҳам мана шундай хулоса чиқаришга ундайди.

Олмас УМАРОВ, Самарқанд вилояти маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати бош мутахассиси.

Қарор ва ижро

Армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтган Фурқатжон Ҳамроевни барча сафдошлари қатори Гиждувон тумани мудофаа ишлари бўлими ходимлари, жамоатчилик вакиллари, ёр-биродарлари илиқ кутиб олишди. Орадан кўп ўтмай уни туман Бандлик-ка кўмаклашиш марказига чақирди. Сўхбат қисқа, амалий кечди.

ҲЕЧ БИР ЁШ БЕЪТИБОР ҚОЛМАЙДИ

— Фурқатжон, режалар қандай? — дея қўзғиди марказ мутахассиси Элимурод Насимов. — Қаерда ишламоқчисиз? Фурқатжоннинг нияти университетда тахсил олиб, ўқитувчи бўлиш. Шу мақсадини айтиди. Аммо ўқиш учун ҳужжат топширишга ҳали эрта. Армияда чинкиб тобланган, сузларидан дунёқароши кенглиги сезилиб турган йигит шунчиси билиб олди, ўзи яшаб турган Районбод кишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги "Беш гóлиблар" фермер хўжалигида ишлаш истагини билдирди. Ишдан бўш вақтида ўқишга тайёрларлик кўради, келгуси йилда омади чоғиб, университет талабасига айланса, ажаб эмас. Шу тариқа у фермер хўжалигига ишга жойлашди.

Жондорлик Аброржон Тошевнинг ҳам муддатли ҳарбий хизматдан қайтиши Мирзаён кишлоқ фуқаролар йиғини, туман мудофаа ишлари бўлими ҳамда Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассисларини бефарқ қолдирмади. У ўзи яшаётган худуддаги "Ҳамро Ҳамдам Қорахумори" фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди.

— Биз армия сафидан қайтган ҳар бир йигит билан сўхбатлашиб, унинг оилавий аҳволи, қизиқ-қушларини ўрганамиз, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази бош мутахассиси Азиза Ражабова. — Шундан сўнг уни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрамыз. Бу борада туман мудофаа ишлари бўлими билан алоқа ўрнатганимиз яқин самара берапти. Мамлакат Куролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтган ёшлар, умуман, иш излаганлар учун марказимиз эшиги ҳамиса очик.

Бундай ёндашулу Президентимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда кўл келаяпти. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан хабар беришларича, армия сафидан хизмат бурчини ўтаб, кузда ота-оналари бағрига қайтган 150 нафар йигит айни дамда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотлар, микрофирма ҳамда фермер хўжалиқларида иш бошлади.

Истам ИБРОХИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ДАСТУРХОНИМИЗ БАРАКАСИ

Наманган туманидаги "Уммон-СБК" масъулияти чекланган жамияти аъзолари халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлаш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда.

Интилиш

Шу йилнинг 9 ойи давомида истеъмолчиларга миллион дондан зиёд туҳум ва 6,5 миллион сўмлик гўшт етказиб берилганлиги аҳамиятлидир.

— Ишни уч мингта товук боқишдан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Одилжон Раҳматов. — Кейин "Асакабанк"нинг Наманган шаҳар бўлиmidан 50 миллион сўмлик кредит олдик. Бу пулга ер сотиб олдик, цех курдик, шунингдек, Самарқанд паррандачилик фабрикасидан зотдор товуклар келтирдик. Инти-лашларимиз ўз самарасини бермоқда. Хозирда корхона имкониятларини янада кенгайтириш йўлида ҳаракат қилмоқдамиз.

СУРАТДА: ишчи Ҳалима Аҳмаджонова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда).

"Минтақадаги энг нуфузли давлатлардан бири бўлган Ўзбекистон бозор иқтисоди-га босқичма-босқич ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат ва дунёвий жамият куриш йўлидан изчил-лик билан олдинга инти-лмоқда", деди «Rotary Club de Toulouse» президенти.

Учрашувда сўзга чиққан «Сегле d'Ос» клубининг фахрий президенти Дж. Эстибаль Ўзбекистонда муваф-фақияти тарзда амал-га оширилаётган ис-лохотлар, юртимиз ялли ички маҳсулотининг бар-қарор ўсиб бориши, экспорт-га йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалаётгани ҳамда иқтисо-диёт ривожидан далолат бе-рувчи кўрсаткичларга эъти-бор қаратади.

— Хорижий сармоядорлар Ўзбекистон билан шериклик қилишдан манфаатдор, — деди Дж. Эстибаль. — Шу ўринда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги икки то-монлама ҳамкорлик салоҳия-ти ҳам тўлиқ ишга солина-ганини таъкидлаш ўринли. Айнан шу боис ҳам хозирги босқичда икки мамлакат ви-лоятлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ало-қаларни ривожлантириш биз учун жуда муҳим. Бу эса,

шубҳасиз, Ўзбекистон ва Франция компаниялари ўрта-сидаги узаро манфаатли ҳам-корликнинг янги имкониятла-рини очиб беради.

"Француз экспортчилари-нинг 1-рақамли Клуби" Ассо-

тети билан Бухоро давлат университети ўртасида ҳам-корлик тўғрисидаги протокол-нинг имзоланиши режалаш-тирилаётганини қайд этиш жоиз. Ушбу ҳужжат нафақат таълим, балки ҳамкорликнинг

қарорлиқни таъминлашга му-ваффақ бўлди, — деди Т. Дюма. — Иқтисодий тара-ққийт ташқи савдо айланмаси-нинг тез суръатда кенгайиши ва сармоялар ҳажмининг ошишига туртки бўлди. Мам-

лақатда мустақилликнинг қисқа даври мобайнида бар-ча соҳаларда эришилган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Иқтисодиётга чет эл сармоя-ларини жалб этиш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти то-монидан амалга оширилаётган изчил сиёсат мамлакатингиз-нинг ҳамкорлик учун жозиба-дорлигини янада оширади. Палатамиз энг йирик худудий компанияларни Ўзбекистон-нинг етакчи соҳа корхона-лари билан ҳамкорлик қилишга жалб этиш борасида ҳар то-монлама кўмаклашишга тайёр.

— Бугунги Ўзбекистон ўзида замонавийлик ва қадимийликни уйғунлаштира ол-ган дунёдаги камдан-кам дав-латлардан биридир, — деди Тришу хоним. — Тулуза ша-ҳри маъмурияти Ўзбекистон шаҳарлари билан шериклик алоқаларини ўрнатидан ва иқтисодиёт, маданият, сайёҳ-лик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаат-дордир.

«Жаҳон» АА, Париж.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори бунда муҳим дасту-риламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Шахло Аҳро-рованинг айтишича, одам савдо-си билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайгани бундай жиноятларга қарши курашда давлат ва жамо-ат ташкилотларининг куч ва им-кониятларини бирлаштиришни та-қозо этаётир. Мўмай даромад илинжида бошқаларнинг шаъни, эрки ва ор-номусини поймол қилишдан қайтмайидиган қимсалар тузилган, кўп ҳолларда, болалар ва аёллар тушиб қолаётгани, ай-ниқса, ачинарлидир.

Семинарда ушбу иллатнинг ол-дини олиш борасида Жиззах ви-лоятида амалга оширилаётган иш-лар таҳлил қилинди. Бундай жи-ноятларга чек қўйишда кенг жамо-атчиликнинг, жумладан, хотин-қизлар ташкилотларининг фаоллигини янада ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкор-лигини кучайтириш юзасидан так-лифлар билдирилди.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Товон пули тўланади



Франция ҳукумати 2009 йилдан бошлаб Жазира ва Полинезияда ўтказилган ядровий синовларда азият чеккан ҳарбийлар, мутахассислар, шунингдек, маҳаллий аҳоли учун товон пули тўлайдиган бўлди, деб ёзади "Le Figaro" газетаси.

Ёслатиб ўтиш жоиз, мажбур синовлар 1960-1996 йилларда амалга оширилган. Товон пуллари айнан ўша вақтда жабр кўрганларгагина берилиши маълум қилинди. Улар рўйхати мамлакат мудофаа вазирлиги томонидан тузиб чиқилди.

Манбада келтирилишича, тўланадиган маблағ давлат бюджети ҳисобидан қўланади.

Назорат кучайтирилди

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги Мумбай полицияси маълумотида таяниб хабар қилди.



Хунрезлик оқибатида 101 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 287 нафар киши турли даражада тан жароҳати олди. Қурбон бўлганлар орасида чет эл фуқаролари ҳам борлиги айтилмоқда. Воқеа туфайли ҳарбийлар ва жангарилар ўртасида юзага келган қуролли тўқнашувда босқинчилардан турт нафари йўқ қилинган, тўққуз нафари эса ҳибсга олинган. Шаҳар кўчаларида назорат кучайтирилган.

Корхоналарга молиявий ёрдам

Хитойда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида сармоявий жамғарма ташкил қилинди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, унинг бошланғич сармояси уч миллиард юанни (439,2 миллион АҚШ доллари) ташкил қилади. Кичик ва хусусий корхоналар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу жамғарма йиллик даромади уч юз миллион юандан ошмаган корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатади.

Маълумотларга қараганда, яқин кунларда мамлакатда низом жамғармаси ўн миллиард юанга тенг махсус банк ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Башорат ўзини оқламади

Машиини техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири — "Panasonic" йил якунида оладиган фойда миқдори аввал башорат қилинганидан 10 баробар кам бўлишини маълум қилди.



Унга кўра, компания ҳисобот йили охирида мўлжалланганидек 3,3 миллиард АҚШ доллари эмас, балки 315 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад қилиши мумкин.

"Bloomberg" маълумотларига қараганда, бу сўнгги беш йилдаги биринчи пасайиш ҳолатидир. Кейинги вақтларда аҳоли томонидан компания маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин камайиб кетаётгани бунга сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Мажбурий кўниш

"АФР" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Таиланд ҳукумати аъзоларини олиб кетаётган самолёт техник носозлик туфайли Бангкокдаги аэропортлардан бирига мажбурий кўнишни амалга оширди.



Ҳукумат вакиллари мамлакатдаги сиёсий инқироз туфайли Чангмай шаҳрига фавқулодда йиғилиш ўтказиш учун йўл олишгани. Бахтсиз ҳодиса туфайли улар бошқа ҳаво транспортидан фойдаланишга мажбур бўлишди.

Ёслатиб ўтамиз, жорий йил август ойидан буён мамлакатда муҳолифат вакиллари бош вазир истъёфосини талаб қилиб, норозилик намойишлари ўтказиб келишмоқда. Сўнгги хабарларга кўра, айни пайтда муҳолифатчилар шаҳардаги иккита аэропортни ўз назоратларига олишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

UTBANK UZBEKISTAN-TURKISH BANK

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

МАХСУС МЕБЕЛЬ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, БИНОНИНГ 1000 М² МАЙДОНИДА КОСМЕТИК ТАЪМИРЛАШ ВА ДИЗАЙН ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзининг 15 йиллигини кенг нишонлаган банкнинг бошқарув ва хизмат кўрсатиш биносида қулай шароитлар яратиш мақсадида 3 та бошқарув ва 2 та мажлислар зали ва 90 га яқин ходимга мўлжалланган иш жойлари учун махсус дизайнли мебель: **стол ва стуллар етказиб бериш ҳамда уларни монтаж қилиш ишларини бажариш лозим.**

Қизиқиш билдирган ташкилотларни ҳамкорлик қилишга чақирамиз. Уларга банкимиз ва банк биноси ҳақида янада тўлиқроқ маълумот берилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 30 январгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100043, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳқўчаси, 15-«Б» уй. Маълумот учун телефонлар: 273-83-24, 273-83-25.

Интернетдаги манзилимиз: www.utbk.com mail: utbank@utbk.com

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» ОАЖ

Электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрида туғши муносабати билан 2009 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади.

Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур.

Шартномалар қуйидаги талаблар бажарилганда тузилади:

- ҳисоб-китоб нукталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган тақдирда;
- 2008 йилда амал қиладиган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилмайдиган ҳама уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхатилади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» маъмурияти.

2008 йил — Ёшлар йили

Талабаларга — махсус стипендия

Қашқадарё вилоятида 2008-2009 ўқув йилида олий ўқув юртилари талабалари, коллеж ўқувчиларидан 123 нафари касба уюшмаларининг махсус стипендиясини оладиган бўлди.

Бунда ёшларнинг иқтисодий ҳимояга эҳтиёжмандлиги, фанлари ўзлаштириши ва жамоат ишларидаги фаоллиги ҳисобга олинади.

Ушбу стипендиялар давлат стипендиясига қўшимча равишда берилади.

Бўри **НОРҚОБИЛОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Барчаси ёшлар учун

Ҳикматов туманидаги Зафаробод қўрғонда Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди.

Замонавий, ўзига хос меъморий ечимга эга бинода ўғил-қизлар спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланишмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати шу ердаги 5-кўн бошқармаси ишчи-ҳодимлари фарзандлари учун 320 ўринли мактабга таълим муассасасини қуриб берди.

Истам **ИБРОҲИМОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Пазандалар беллашуви

Жиззахда "Энг яхши иқтисодий соҳа ошпази" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 14 нафар ошпаз танлов шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Танлов якунида Жиззах вилоятидаги "Маржонсув" уруш ва меҳнат фахрийлари республика сихатгоҳи бош ошпази Матлуба Шомирзаева ғолиб деб топилди. Унга энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмаси тортиқ қилинди. Ургут туманидаги Муруват уйи ошпази Дилфуза Атамова иккинчи, Бухородаги аёллар Муруват уйи ошпази Абдураҳим Шеров ҳамда Тошкент шаҳридаги эркаклар Муруват уйи ошпази Рустам Халиловлар учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Бахриддин **САТТОРОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60

236-09-25

232-10-63

242-хона

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Газ уягуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» КК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мажбур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Маштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

NEW HOLLAND AGRICULTURE

Янги трактор

New Holland TL 5060

Куввати — 100 от кучига эга.



Кафолат — 1 йил.

Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

SONATA Ўз йўлингни танла!



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

Drive your way

Электр энергиясидан фойдаланувчилар диққатига!

«Ўзбекэнерго» ДАК

Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари ўзлари жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур.

Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:

1. Ҳисоб-китоб нукталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган тақдирда (бундан маиший истеъмолчилар истисно), бунда электр энергия учун икки ставкали тариф бўйича пул тўлайдиган санаят ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар учун юкларнинг энг кўп қувватини қайд этиш билан.
2. Жойларда электр таъминотининг шартномавий қийматлари молия бошқармалари билан келишиб олинган тақдирда (бюджет ташкилотлари учун).
3. Шартнома тузилиши вақтига истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаса.

Амалдаги шартномаларнинг муддатлари узайтирилмайди.

ЎН СОНИЯДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБА

Яхё кураш сир-асрорларини ўргана бошлаганида эндигина олти ёшга тўлганди. Отаси Курбонмурод ака уни дастлаб тўй курашларида даврага олиб чиқа бошлади. Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 6-мактабда ўқиб юрган пайтда ҳам кураш билан шуғулланишни қанда қилмади. Ўз интилиши, мураббийлари ўғитларига амал қилиши туфайли ёшлар ўртасида бир неча бор Ўзбекистон биринчилигида голиб бўлди. Ҳозир у пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари коллежида таҳсил олмақда.

— Ўша пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаш қийин,— дейди Яхё. — Кувон ёшларимни яширолмасдан устозим Мурод Дўсимбетовнинг олдида югурдим. Биринчи навбатда, Деновда ашаётган онамга кўнгилроқ қилдик.

Албатта, ўшанда халқимиз руҳиятига хос бўлган мардлик ва ботирлик, ҳалоллик ва тангликни, бағрикенгликни намойиш этувчи кураш иштироқчиларида Президентимиз ташаббуси билан ривожланиш босқичи бўларди, халқаро спорт тури сифатида тан олинди. Натижада мамлакатимиздан Яхёга ўшаган иккидорли ёш полвонлар қўллаб-қувватлашди.

— Чемпионликка узок ва машаққатли йўллар орқали эришилди, — суҳбатга тортмаиз уни.

— Тўғри. Профессионал спорт-

да қатнашаётганларнинг барчаси жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади. Аммо, бунга ҳамма ҳам эриша олмайди. Бунинг учун спортчида доимо олга интилиш, шариоит ва имконият яратилган бўлиши керак. Деновдаги мен таълим олган 6-мактабда спорт билан шуғулланаман, деганлар учун барча имкониятлар бор. Кураш бўйича менга биринчи устозликни отам қилган бўлса, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчимиздан кўп нарсани ўргандим. Профессионал курашчи бўлиб етишимизда эса, Республика Олимпия захиралари коллежининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда таҳсил олган ўнлаб спортчилар жаҳон ва қитъа чем-

Фахр

пионатлари, Олимпияда ўйинлари совридорли бўлишган. 7-синфини тугатганидан сўнг шу коллежга ўқишга кирдим. Бу ерда кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Мурод Дўсимбетов кўли остида машғулотларда қатнаша бошладим. Устозимдан олган сабоқларим эвазига бир неча бор республика чемпиони бўлдим. Бугун эса жаҳон чемпиониман. Эндиги мақсадим 2009 йил Вьетнамда кураш бўйича ёлқ иншоотларда, Таиланд давлатида яқин кураш спорт турлари бўйича бўлиб ўтадиган Осиё

ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш.

— Катта спорт доимо ғалабалардан иборат эмас.

— Устозларимиз полвон доимо, оғир ва босиқ, манманлик каби салбий хислатлардан йироқ бўлиши керак, деб кўп ўқитишди. Ҳамиша шу ўғитларга амал қиламан. Аммо бир сафар мен зўрман, деган халға берилиб қаттиқ панд еганман. Ўша пайтлари ўз вазн тоифада барча курашчиларни енгиб, менга тенг келадигани йўқ, деб қаттиқ керилиб кетган эканман. Чирчида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт ўйинларида жаззалик полвон Шерали Тўраев биринчи рақибим бўлди. Битта "Енбош" ва унга "Чала" баҳоси билан олдинда бораётгандим. Кейин барибор ютаман, деган халғада ўзимни жуда бўш қўйиб

юбордим. Шерали бундан унмўли фойдаланиб, "Халол" баҳоси билан енгди. Биринчи олишувдаёқ, рақибим менсимаслик эвазига мағлубиятга учрашим менга кейинги мусобақаларда катта сабоқ бўлди.

— Мусобақадан бўш вақтларингизда нима билан шуғулланасиз?

— Мактабда деярли барча фанлардан яхши баҳоларга ўқиганман. Ҳозир коллеждаги ўқитишим ҳам ёмон эмас. Кўпроқ адабиёт ва математика фанларига қизиқаман. Бўш вақтимда "Алпомиш" достони, Шукр Холмўраев, Ўткир Хошимовнинг асарларини ўқийман. "Бир йилгитта қирқ хунар ҳам оз" деган мақол бор халқимизда. Келажакда катта спортчи фаолиятимни давом эттириш билан бир қаторда иқтисодчи бўлишни ҳам мақсад қилиб қўйганман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Футбол

Футбол бўйича 2010 йилги жаҳон чемпионати Жанубий Африка Республикасида ўтказилишидан хабарингиз бор. Мундиал ўйинлари мамлакатинг 9 та шаҳридаги 10 та стадионда ўтказилади. Ҳозир 4 та янги стадион қурилиши жадал давом этмоқда, 6 таси халқаро мейёрларга мос равишда таъмирланаётир.

СТАДИОНМИ Ё ТОМОШАБОФ?!

Жаҳон чемпионатининг финал ўйинлари ўтадиган Йоханнесбург шаҳрида жойлашган "Soccer City Stadium" стадиони замонавий мейморчилик асосида қайта таъмирланмоқда. Бағрига 97,7 мингта томошабинни сиғдира оладиган ушбу мажмуа финал ўйинидан ташқари, яна еттига уч-



да бунёд этилмоқда. У океандан бор-йўғи 2 километр узоқликда жойлашган. 50 минг ўринга мўлжалланаётган ушбу майдонда 8 та учрашув, шунингдек, бронза медали учун бўладиган мусобақа ўтказилади.

"Royal Bafokeng Sports Palace" стадиони Жанубий Африка Республикасининг шимоли-ғарбий қисмидаги Растенбург шаҳрида жойлашган. 4 та учрашув ўтказиладиган бу стадион 45 минг мухлисни ўз бағрига жо қилади. "Mbombela Stadium" стадиони Нельспуртда бўлиб, 30 минг ўринга эга, унда 4 та ўйин ўтказилиши мўлжалланган.

Шунингдек, мамлакатнинг жаҳон чемпионати ўтказиладиган бошқа стадионларида таъмирлаш ишлари жадал бормоқда. Янгиларининг қурилиши эса аллақачон бошлаб юборилган. Бир сўз билан айтганда, навбатдаги жаҳон чемпионати вақтида футбол ишқибозлари нафақат миллионлар ўйини, балки бетакрор услубларда барпо этилган футбол майдонлари томошасидан завқланишлари.

"Nelson Mandela Bay Stadium" Порт-Элизабет шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган жой-

да бунёд этилмоқда. У океандан бор-йўғи 2 километр узоқликда жойлашган. 50 минг ўринга мўлжалланаётган ушбу майдонда 8 та учрашув, шунингдек, бронза медали учун бўладиган мусобақа ўтказилади.

З. ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

...2008 йил. 16 ноябрь Истанбул шаҳридаги муқташам спорт мажмуасида кураш бўйича ёшлар ўртасида V жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Гиламга 73 килограмм вазн тоифасида ўзбекистонлик полвон Яхё Йомов тақриф этилди. У дастлаб Ирок, Исроил, Қозғистон ва Эрон мамлакатлари курашчиларини мағлубиятга учратди. Финалда Яхёга қитъамизнинг номдор полвонларидан ҳисобланган япониялик Коичиро Янаги рақиб бўлди. Кўпчилик иккала полвон ўртасидаги олишув анча узок давом этишини кутаётганди. Аммо, беллашувнинг ўнинчи соғиясида муқташам спорт сарофи ишқибозларнинг олишувдан ларзага келди. Юртдошимиз битта чакон ҳаракат қилиб, рақибни "Халол" баҳоси билан енгди. Ўзбекистонлик ўн тўққиз ёшли Яхё Йомов — жаҳон чемпиони. Ўз навбатда бу, энг тез қозонилган ғалаба сифатида ҳам кураш мусобақалари солномасидан жой олди.

СПОРТНИНГ ОЛАМИ

Зўрдан зўр чиқса...



Бу мусобақа Осиё футболларида янги давр — профессионаллик сари янги қадамни бошлаб бериши кутилмоқда. Аҳамиятисини, Осиё футбол конфедерацияси томонидан эълон қилинган қарорга кўра, Ўзбекистоннинг икки жамоаси — "Бунёдкор" ва "Пахтакор" мусобақани тўғридан-тўғри гуруҳ босқичидан бошлайдиган бўлди. Гуруҳ босқичида иштирок этадиган 10 та давлатнинг 32 та жамоаси куйидагича тақсимланди:

ОФК Про-лига кўмитаси келгуси мавсумда янги форматдаги Осиё чемпионлар лигасида 10 та давлат клублари иштирок этишига рўхсат берилганлигини маълум қилди, деб хабар беради УФФ матбуот хизмати.

Шарқий минтақа:
Япония — 4 та
Жанубий Корея — 4 та
Хитой — 4 та
Австралия — 2 та
Индонезия — 1 та

Ғарбий минтақа:
Эрон — 4 та
Саудия Арабистони — 4 та
БАА — 3 та
Ўзбекистон — 2 та
Қатар — 2 та

Бундан ташқари, БАА, Хиндистон, Сингапур, Таиланд, Вьетнамдан биттадан жамоа ва "ОФК Кубоги-2008" финалчилари ("Муҳаррак" Бахрайин, "Сафа" Ливан)га саралаш босқичида қатнашишга рўхсат берилди.

"Осиё чемпионлар лигаси — 2009"га келаси йилнинг 7 январь кунин Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Дабби шаҳрида қўра ташланади

Жепаровга «Челси»нинг «ишқи» тушди

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров кунин кеча Осиёнинг 2008 йилдаги энг яхши футболчиси, деб эълон қилинган ҳақида хабар берган эдик.

"Goal.com" сайтида ёзилишича, Сервер энди бир ой давомида "Челси" (Лондон) жамоасининг Кохбам шаҳарасидаги ўқув-йилган баасида машғулотларда иштирок этади. Бу имконият Осиё футбол конфедерацияси ва "Челси" футбол клуби ўртасидаги узаро ҳамкорлик тўғрисидаги лойиҳа доирасида йил лауреатларига тақдим этилди.

Жепаров билан бирга Осиёнинг 2008 йилдаги энг яхши футболчиси Аҳмад Халил ал-Жунайид ҳам "Челси" машғулотларида қатнашиши мумкин.

О. ТОШТЕМИРОВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Йилнинг энг яхши энгил атлетикачилари

Дунёда спорт шу қадар ривожланиб кетдики, баъзан шу соҳа вакиллари эришаётган оламшумул натижаларга инсон ақли лол қолади.

Россиялик лангарчўнда баландликка сакраш бўйича икки қарра Олимпиада чемпиони, кўп қарра жаҳон рекордини ўрнатган Елена Исинбаева ва Пекин Олимпиадасида югуриш бўйича уч қарра Олимпиада олтин медалини қўлга киритган ямайкалик Усейн Болт ана шундай спортчилардан.

Кунин кеча Монте-Карлода уюштирилган тантанали маросимда Елена Исинбаева ва Усейн Болт ҳақли равишда 2008 йилнинг энг яхши энгил атлетикачилари, деб эътироф этилди.

Е. Исинбаева бундай нуфузли мукофотини учинчи мартаба қўлга киритаётган бўлса, У. Болт биринчи бор бош соврин соҳибига айланди.



Қисматга қасдма-қасд

кан, муттасил кимётерапия муолажалари уни жуда холдан тойдирганини эслайдми. 1997 йилнинг 12 февралда у яна қайта текширувдан ўтади. Шунда шифокорлар хайратдан ёқа ушлашди. Таҳлил натижаларига кўра, спортчи қониди саратоннинг бирорта аломати йўқлиги маълум бўлди. Армстронг ўша кунни иккинчи туғилган куним, дея атайди.

касаллик устидан ғалаба қозондинг. Энди эса рақибларни ортда қолдириш ҳақида ўйла, дейди. Бу гаплар унга қаттиқ таъсир қилди, ҳарқалай кейинги учта мусобақадан иккитасида маррага биринчи бўлиб етиб келди.

1998 йилнинг май ойида Армстронг ва Кристин турмуш қуришди.

1999 йилнинг 13 февраль кунини спортчининг ҳаётида яна бир мўъжиза рўй берди. Хас-



«Мен уни яна соғлом ҳаётга қайтара олганимдан хурсандим. Очигини айтсам, 25 ёшда бундай оғир хасталикдан яна оёққа туриб кетишига, устига устак спортда катта муваффақиятларга эриша олишига сириям ишонмагандим», дея хотирлайди жарроҳ Крейг Николс.

1997 йил охиридаги келиб Армстронг яна машғулотларга киришди. У «Ю. Эс. Постал» жамоаси билан шартнома имзолади. Ниҳоят, у 1998 йилнинг февраль ойида Испанияда ўтказилган мусобақада яна пайдо бўлди. Албатта, дебют унвалик омадли келмади. Иштирокчилар орасида ўн бешинчи ўринни эгаллади. Тушқунликка тушган спортчиға севгилиси Кристин Ричард тасалли берди. «Сен

Матонат

талиқдан сўнг фарзанд кўра олмаслиги айтилган Армстронгнинг рафиқаси ҳомиладор экани маълум бўлди. Ўша йилнинг иккинчи июлида у «Тур де Франс»даги биринчи ғалабасини нишонлаганди. Шундан сўнг яна олти бор ушбу нуфузли мусобақада зафар қучди. 2000 йили Сиднейда ўтган Олимпиадада бронза медали билан тақдирланди. Бундан ташқари, унинг мукофотлар жамланмасида бир қатор халқаро турнирлар совринлари ҳам ўрин олган. Қисқаси, у ҳар қандай профессионал спортчи орузу қилса арзиғулик ғалабаларга эришди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Статистик маълумотларда келтирилишича, ҳар йили дунё бўйича олти миллион киши саратон хасталиғи сабабли ҳаётдан эрта кўз юмаркан. Фақат мўъжиза туфайлигина санокли инсонлар омон қолади. Армстронг шу касаллик билан оғриган беморларга ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус жамгарма ташкил қилган.

У ўтмишни хотирлашни унча ёқтирмайди. Лекин спортчи бўлмаганда хасталик аллақачон уни адои талом қилган бўлиши мумкинлигини тан олади.

Икки киши футбол томоша қилаётган эди. Бири ошхонага кириб кетса, иккинчиси бақириб юборди: «ГОЛ!» Орадан ярим дақиқа ўтган, яна қичқирди: «ГОЛ!» Ошхонадаги шериги ундан сўрапти: — Голларни ким урди? — Аввал Бэкхэм, кейин тақроран берди!

Собиқ боксчи ўз ҳаётини бир аёлга ҳикоя қилиб берди. Орадан бир оз вақт ўтган, ўша аёл сўради: — Кечирасиз, Нокаут ва Нокдаундан ташқари яна қайси шахарларда бўлагисиз?

Футболчи хотинига мактанаяпти: — Бугун ажайиб ўйин бўлди. Мен иккита гол урдим. — Зўр-ку! Ҳисоб қандай бўлди? — 1:1.

Жангда мағлубиятга учраган боксчини мураббийи юпатаяпти: — Хафа бўлма, учинчи раундда сен уни ёмон кўрқитиб юбординг. — Нахотки? Қандай қилиб? — У сени ўлдириб қўйдим деб, жуда кўрқиб кетди.

— Менимча, янги ҳужумчиға яхши ўйнаш учун иккита нарса етишмайпти. — Нима экан улар? — Оёқ ва бош.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 2130 Тоширилли — 22.30

Профессионал волейболчи зарба берганда тўпнинг тезлиги соатига 130 километрга етиши мумкин.

Миллий хоккей лигасида энг тез гол учинчи соғияда киритилган.

Америкаликлар фақатгина гольф тўпларини сотиб олиш учун йилга 630 миллион АҚШ доллари сарфлашаркан.

Дунё қулганда...

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Болтев. Навбатчи — Қ. Хидиров. Муасхўх — Ҳ. Тошхўжаев.